



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 27 апрель, № 82 (8425)

Пайшанба

Сайтимидаги ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



КЕНГ КўЛАМЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 апрель куни Осиё футбол конфедерацияси раҳбари Шайх Салмон бин Иброҳим Ал Халифани қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари Салмон бин Иброҳим Ал Халифани китба конфедерацияси президенти лавозимига қайта сайлангани билан самимий қутлаб,

Осиёда ушбу спорт турини оммалаштиришга қўшаётган шахсий ҳиссасини қайд этди. Мамлакатимиз ва конфедерация ўртасида

сермаҳсул ҳамкорлик олиб борилаётгани алоҳида таъкидланди. Футболни ривожлантириш, унга ёшларни кенг жалб қилиш, юқори ма-

лакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича қўшма дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шайх Салмон бин Иброҳим Ал Халифа

Ўзбекистонда ҳаваскор ва профессионал футболни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, замонавий инфратузилма ва ўқитиш базасини барпо этиш борасидаги кенг кўламли ишларни юқори баҳолади. Мамлакатимизда ёшлар ўртасида Осиё чемпионатлари муваффақиятли ўтказилгани ва яқинда терма жамоамиз галаба қозонгани билан чин дилдан табриклади. Учрашув давомида Осиё футбол конфедерацияси билан амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш, йирик тадбирлар, шу жумладан, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасидаги биринчиликларни ташкил этиш ва ўтказиш, ушбу спорт турини оммалаштириш, илғор тажрибани жорий қилиш ва методологик ёрдам кўрсатиш, мураббийларнинг малакасини ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИТАЛИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 апрель куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Италия Республикаси мудофаа вазири Гвидо Крозеттони қабул қилди.

Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Учрашув аввалида мудофаа идораси раҳбари Ўзбекистон етакчисига Италия Президенти Сержо Маттарелла ва Вазирлар кенгаши Раиси Жоржи Мелонининг саломлари билан энг эзгу тилакларини етказди. Икки томонлама ҳамкорликнинг буғунги юксак даражаси мамнуният билан қайд этилди. Конструктив сиёсий мулоқот ривожланиб бормоқда. Кейинги бир неча йилда ўзаро савдо ва инвестициялар ҳажми икки баробарга ошди. Мамлакатимизда Италиянинг етакчи олий таълим муассасалари — Турин политехника ва Пиза университет-

ларининг филиаллари фаолият юритмоқда. Бўлажак олий даражадаги тадбирларга биргаликда тайёргарлик кўриломоқда. Сўхбатда энергетика, шу жумладан, қайта тикланувчи энергетика, логистика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда амалий ҳамкорлик қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Италия мудофаа идоралари ўртасида шериклик муносабатларини йўлга қўйиш муҳимлигини таъкидлади. Минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, жумладан, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан тартибга солиш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ў.А.

ЕКАТЕРИНБУРГДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТ МОҲИЯТИГА БАҒИШLANGAN ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ

Унда Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислохот мазмун-моҳияти иштирокчиларга етказилди.

4-саҳифага қаранг.

ТОШКЕНТДАГИ «ИННОПРОМ» КўРGAЗMАСИНИНГ САМАРАЛИ НАТИЖАЛАРИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан 26 апрель куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотида амалий ҳамкорликни кенгайтириш, савдо муносабатлари суръатини таъминлаш ва етакчи корхоналарнинг кооперация лойиҳаларини кўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.

Икки мамлакат етакчилари шу кунларда ўтаётган «ИННОПРОМ. Марказий Осиё» халқаро саноат кўргазмасининг самарали натижаларини катта мамнуният билан қайд этдилар. Ушбу тадбирда 35 мамлакат бизнесининг 5 минг нафардан зиёд вакиллари иштирок этмоқда.

Сўхбат чоғида автомобилсозлик, темир йўл транспорти, фармацевтика, кимё саноати ва бошқа устувор тармоқларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Саноат ипотекаси, кластерлар, индустриал ри-

вожланиш жамғармаси каби воситаларни такомиллаштириш борасидаги илғор тажрибани ўрганишдан манфаатдорлик билдирилди. Минтақавий ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашилди. Мулоқот якунида Ўзбекистон Президенти

Конституция бўйича бўлажак референдумнинг Россия Федерацияси ҳудудида ўтказилишига кўрсатилган кўмак учун Россия Президентига самимий миннатдорлик билдириди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЁШЛАРНИНГ БАНДЛИГИГА КўМАКЛАШИШ ҲАМДА УЛАРНИ ДОИМИЙ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Ёшларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйишлари, ўз иқтидорини салоҳиятини тўлиқ намоён этишлари учун шароитларни кенгайтириш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш, доимий иш билан ҳамда муносиб даромад олишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2023 йил 1 майдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар иш бевувишларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортик бўлган юридик шахслар, шунингдек, ижтимоий солиқни 1 фоиз ставкада тўловчилар бундан мустасно) улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммаси Давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб берилади. Бунда ижтимоий солиқ суммаси ёш ходимлар олти ой давомида узулқисз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шарт билан еттинчи ойдан бошлаб қоплаб берилади.
2. Белгилансинки, иш бевувишларга ижтимоий солиқ суммасининг қоплаб берилиши 2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратиладиган трансфертлар ҳисобидан амалга оширилади.
3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2024 йил ва 2025 йил учун Давлат бюджетини шакллантиришда ижтимоий солиқ ҳисоботи орбит боровчи якун билан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан топирилишини инобатга олиб, 2024 йил ва 2025 йилнинг I чорагида иш бевувишларга ижтимоий солиқ суммасини қоплаб бериш харажатларини алоҳида қаторда режалаштиришни назарда тутсин.
4. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу Фармон мақсади ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида ва интернет тармоғида кенг ёритиш ишларини ташкил этсин.
5. Вазирлар Мақамасининг 2021 йил 24 июлдаги "Иш бевувишларга улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини Давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 460-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 26 апрель

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 27 сентябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2023 йил 2 мартда маъқулланган

Мамлакатимизда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш, шунингдек фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг, мансабдор шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқ фаолият юритишини таъминлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни маъмурий судларда кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш орқали суд назоратининг қўлланилиш соҳасини кенгайтириш, қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) қонунга хилоф эмаслигини маъмурий судда исботлаш мажбуриятини уни қабул қилган мансабдор шахснинг зиммасига юклатиш тартибига катъий риоя этилишини таъминлаш, шунингдек суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишнинг самарали механизмларини жорий этиш назарда тутилган.

(Давоми 2, 3-бетларда).



ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева яқинда Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри, Чимбой, Кегейли ва Ҳўжайли туманларида маҳалла раислари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, тадбиркорлик субъектлари, фермерлар, ёшлар етакчилари, ҳоким ёрдамчилари, профилактика инспекторлари, хотин-қизлар фаоллари, нуронийлар, талабалар ҳамда ўқувчи-ёшлар билан учрашди. Учрашувларда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар,

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги кенг кўламли сайёҳаракатлар, бу жараёнда жамоатчилик назорати, маҳаллий Кенгаш депутатларининг фаол иштироки, халқ олдидаги ҳисобдорлик, қонунчиликка киритилаётган ўзгаришлар, хусусан, янгиланаётган Конституциянинг мазмун-моҳияти, уни ишлаб чиқиш зарурати ҳақида атрафлича сўз юритилди. Хусусан, парламент юқори палатаси Раиси туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари билан бўлиб ўтган мулоқотда

Сенат ва маҳаллий Кенгашларнинг ҳамкорликда иш олиб бориши, янги тахрирдаги Конституция лойиҳасига киритилаётган нормалар, жумладан, давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиши ҳамда камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши аниқ белгилаб қўйилаётгани, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади сифатида акс эттирилаётгани ва бошқа қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ БОРАСИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ

Пойтахтимизда "Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)га эришиш борасида Марказий Осиё мамлакатлари тажрибаси: референдум ва миллий конституцияларнинг роли ва аҳамияти" мавзусига бағишланган халқаро форум бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Барқарор ривожланиш маркази, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ

институту, ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Фридрих Эберт номидаги жамғарма (Германия) билан ҳамкорликда ташкил этилди. Халқаро форумда Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси аъзолари, сенаторлар, де-

путатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, мамлакатимиздаги дипломатик корпус вакиллари қатнашди. Онлайн ва офлайн форматдаги ушбу тадбирни уюштиришдан кўзланган мақсад инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, "инсон — жамият — давлат" тамойилини ҳаётга татбиқ этиш борасида Марказий Осиё давлатларининг тажрибасини муҳокама қилиш, Барқарор ри-

вожланиш мақсадларининг Марказий Осиё давлатлари конституцияларида акс этирилишини қиёсий таҳлилдан ўтказиш, барқарор ривожланиш миллий мақсадларига эришишда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг самарали ҳамкорлигини таъминлаш, шунингдек, халқаро жамоатчиликни мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар ҳамда бўлажак референдумга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича қўйилаётган чора-тадбирлар ижроси билан таништиришдан иборат бўлди.

4

